ХОТИН-ҚИЗЛАР ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдураҳманова Гулнора Қаландаровна[1]
Шотурсунова Нодира Насировна[2]
Исмаилов Умирбек Абдуллаевич[2]

[1]Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси профессори, и.ф.д., профессор
[2]Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мақолада хотин-қизлар инсон капиталини ошириш баробарида иш билан бандилигини тамъинлаш борасидаги ислоҳотлар меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасидаги гендер муносабатлар асосида инсон ресурсларини тайёрлаш, ишга жойлаштириш, кейинчалик малака ошириш ёки зарур ҳолларда қайта тайёрлашгача бўлган бутун жараённи тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: гендер тенглик, иш билан бандлик, инсон капитали, меҳнат бозори, хотин-қизлар маълумоти.

Abstract: В статье рассматривается весь процесс трудоустройства, повышения квалификации или переподготовки кадров, скозь призмы гендерных соотношений на рынке труда а так же реформы направленные на повышение человеческого капитала и обеспечение занятости женщин.

Key words: gender equality, employment, human capital, labor market, women's education.

Кириш

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига ўтиши даврида барча хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини юқори босқичга кўтариш ҳамда жамиятда хотин-қизлар ўрни ва ролини янада ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бироқ, бугунги кунда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқдаки, улар ҳақида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасининг гендер тенгликка эришиш стратегиясида[10] ҳам батафсил маълумотлар қайд қилинган.

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари тамойили асосида ижтимоий, сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотлар жадал кечаётган янги Ўзбекистонда “хотин-қизлар ва оила масаласи – бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омил”[1] сифатида устувор аҳамият касб этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, ижтимоий-

[10] https://lex.uz/docs/5466673

иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Инсоннинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлган гендер тенглиги жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, барқарор ривожланиш негизида инсон салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Аёлларни жамиятга жалб қилиш самарадорлик ва иқтисодий ўсишни ошириши исботланган [2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Тадқиқотчи А.Ирматованинг инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш борасидаги изланишларида[3] янги Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, аёллар бандлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат шароитини яратиш ва меҳнатни ташкил қилиш, инновацион иқтисодиётда хотин-қизлар меҳнатини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, аёллар меҳнатининг мавжуд ҳолати, илм-фан ҳамда интеллектуал бошқарув соҳаларида аёллар меҳнатини ташкил этиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, шунингдек, аёллар меҳнатини масофавий ташкил этиш масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

Тадқиқотчилар З.Тўқаева, [4] М.Ирисова, [5] Р.Убайдуллаева ишларида ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аёллар меҳнатининг халқ хўжалиги турли соҳалари бўйича тақсимланиши, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари иқтисод йўналишидаги ўз аксини топган.

Шунингдек, адабиётларда Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни, ижтимоий-сиёсий фаолликлари, аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқларининг миллий ва халқаро жиҳатлари ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий куч сифатида шаклланиш жараёнлари таҳлилга тортилган. Хотин-қизлар меҳнатининг рақобат шароитидаги ҳолати, уларнинг бандлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларининг алоҳида ўрни атрофлича ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

Давлатнинг меҳнат бозоридаги фаол сиёсати – бу меҳнат бозори субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадига йўналтирилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий чоралар мажмуасидир. Давлатнинг меҳнат бозоридаги фаол сиёсати меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш учун касбий тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, уларни ўзларини иш билан мустақил таъминлашларига ҳар тарафлама ёрдам беришни назарда тутади. Бундай вазиятда гендер ёндашувни амалга ошириш учун эркаклар ва аёллар фаол сиёсатининг дастурларидан тенг фойдаланишлари зарур. Фаол сиёсатининг асосий воситалари қуйидагилар:

- иш билан бандликка кўмаклашиш;

- иш ўринлари яратиш;
- тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

Меҳнат бозорига омиллар билан бир қаторда ижтимоий омиллар хам рақобат устунлиги нуқтаи назаридан таъсир кўрсатади. Жумладан, меҳнат бозоридаги гендер тенглиги нисбати бугунги кунда асосий ижтимоий -иқтисодий кўрсаткичлар қаторига кирган. Меҳнат бозорига, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши, иш билан бандлик соҳасида олиб борилаётган сиёсат, ўзгариб борувчи тарихий, миллий ва жуғрофий хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатади.

Таҳлил ва натижалар

Хотин-қизларнинг жамиятда ўрни ва нуфузини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг олий маълумотга эга бўлишлари билан бевосита боғлиқдир. Яъни инсон капиталини ривожлантириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш самарадорлиги ортади. 2016 йилда Ўзбекитонда 77 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2021 йилда улар сони 154 тага етди. Бироқ, The Diplomat [6] нашрида эълон қилинган таҳлилий маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонда аёллар жами аҳолининг 49,7 фоизини ташкил қилиб, улар орасида 25 ёшдан ошган аёлларнинг атиги 13,2 фоизи олий маълумотга эга бўлган. Умуман олганда, Ўзбекистонда аёлларнинг атиги 17,7 фоизи олий маълумотга эга, баъзи ҳудудларда бу рақам ундан ҳам паст. 2021 – 2022-ўқув йилида Ўзбекистон давлат олий ўқув юртларида ўқиётган 808,4 минг талабанинг 45,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этади (439,4 минг нафар йигитлар, 369 минг нафар қизлар).

Гендер тафовути баъзи соҳаларда яққол намоён бўлади – фан, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш йўналишларида асосан йигитлар таҳсил олади. 2020 йилда ушбу йўналишлар битирувчиларининг атиги 30,1 фоизини аёллар ташкил этган. Шу билан бирга, тил ва ўқитувчилик йўналишида қизлар кўпроқ – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида талабаларнинг 84 фоизи, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида эса 74 фоизи аёллардир. Умуман олганда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба қизларнинг деярли ярми (260 минг нафардан 126,3 минг нафари) ўқитувчилик йўналишини танлаган. Қизларнинг STEM (фан, технология, муҳандислик ва математика) йўналишларни ўрнига стереотип “аёл” мутахассисликларини танлаши жамият босими билан боғлиқ. *Чунки* қизлар турмушга чиққанидан сўнг кўпинча уй-рўзғори ва болаларига ғамхўрлик қилишига тўғри келади, бу эса уларга тўлиқ вақтли иш билан шуғулланишига тўсқинлик қилади деган стереотип бор. Ўқитувчилик касби эса уй-рўзғорга кўпроқ мослашувчан ҳисобланади. Натижада Ўзбекистон таълим соҳасида гендер номутаносиблигини таълим соҳасида ҳам кузатиш мумкин. 2021 – 2022 ўқув йилида умумтаълим мактабларидаги ўқитувчиларнинг 68 фоизи (343 961) аёллар, 32 фоизи (158 726) эркак ўқитувчилардир.

2016 йилда бутун мамлакат бўйлаб аёлларнинг атиги 5,6 фоизи олий маълумотга эга эди, ҳозир бу кўрсаткич 17,7 фоизни ташкил этади. Келгуси йилларда уларнинг сони кескин ўсиши кутилмоқда, бу эса гендер тафовутни янада қисқартиришга ёрдам беради. Мамлкатда гендер тафовутини бартараф этиш ва талаба қизлар сонини ошириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2021 йилда кам таъминланган оилалардаги 2 минг нафар қизга бакалавриатда ўқиш учун давлат маблағлари ажратилди.

2022 йил март ойида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2022 – 2026 йилларда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди. Дастур қизларга етти йилгача университет тўловлари учун фоизсиз кредитлар беришни, шунингдек, фақат аёллар учун янги университетлар ва техник мактабларни ташкил этишни назарда тутади.

Бундан ташқари, эндиликда Ўзбекистондаги давлат олий таълим муассасаларида хотин-қизлар учун магистратура йўналишлари бепул. Шу мақсадда ҳукумат ҳар йили камида 200 млрд сўм ажратади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳар йили 60 нафар қиз ва аёлнинг хорижда олий маълумот олиши учун маблағ ажратади – бакалавриат бўйича 50 нафар, магистратура бўйича эса 10 нафар.

Шунингдек, Президент Ш.Мирзиёев “ижтимоий шартнома” тажрибасини кенг қўллаш муҳимлигини, бунда, аввало, фуқарога касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилиши, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириб, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш муҳимлигига урғу берди. Ўрганишларда маълум бўлишича, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 55 фоизи ўрта маълумотли. Ишсиз ёшларнинг ҳам кўпчилиги замонавий билим ва ҳунарларни эгалламаган. “Ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсак, уларнинг муносиб иш топишига кўмаклашсак, кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ҳал бўлади. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-ҳунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур”.

Бундан ташқари, давлаатимиз раҳбари яна бир масала – Касб ва лавозимлар классификатори бугунги замон ва меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги, мисол учун, унда 2 минг 484 та, яъни 70 фоиз хизматчи лавозими бўйича олий маълумот талаб этилиши, хусусан, маълумотлар базаси билан ишлайдиган мутахассис, веб дизайнер каби ихтисосликларга олий малака талаби қўйилган. Ушбу касбларни IT-марказларда ярим йилда яхши ўрганиш мумкинлиги, кутубхоначи, таржимон, банк агенти, реклама мутахассиси каби кўплаб вазифаларга ҳам олий маълумот талаби қўйилганлиги, меҳнат бозорида бундай

касблар бўйича 4 мингга яқин вакансия мавжудлиги, Касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш зарурлигини таъкидлади.



1-расм.Хотин-қизларнинг билим ва кўникмалари йўйналишлари

Маълумотлар асосида қайд этишимиз зарурки бугунги кунда 58,8 % хотин қизлар хеч қандай билим ва кўникмаларга эга эмас, бу ўз навбатида уларни талаб юқори бўлган кабсб ва кўникмаларга ўвитиш орқали иш билан банд этиш мумкин. “Ишга мархамат” мономарказлари анан шу йўналишларда фаолиятини олиб борувчи инфратулмалар сирасига киради.

Бугунги кунда республика бўйича 15 та “Ишга мархамат” мономарказлари, 30 та шаҳар ва туманда касб-ҳунарга ўқитиш маркази, 136 та МФЙнинг ҳар барида ўқув маскани ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, 2021 йил 1 майдан 28 та танланган туман (шаҳар)да тажриба-синов тариқасида давлат маблағлари ҳисобидан субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар ажратилган ишсиз фуқаролар, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган банд бўлмаган аҳоли билан маҳаллий меҳнат органлари ўртасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва бу

борада тарафларнинг ижтимоий масъулиятини белгиловчи ижтимоий контракт тузиш амалиёти жорий этилган.

Хулоса

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни ундан чиқаришнинг айни пайтда амалда бўлган тизимини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга субсидия бериш ёки тикув машинаси каби меҳнат қуролларини олиб бериш билан улар ижтимоий ҳимоя реестиридан чиқариб юборилмоқда. Натижада бозор талабларидан хабардор бўлмаган, касбий малака кўникмаси етарли даражада шаклланмаган хотин-қизлар давлат томонидан тақдим этилган воситалардан самарали фойдалана олмай яна иқтисодий-ижтимоий қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар.

Қандолатчилик, сарторошлик каби қишлоқ жойларда талаб юқори бўлган касбларга ўргатиш ҳам аёллар тадбирорлигини ривожлантиришда яхши самара беради. Аслида ахборот технологиялари ривожланган асрда хотин қизларни кўпроқ IT соҳасида мутахассис сифатида тайёрлаш мақсад га Мазкур жараёнда таниқли ҳунармандларни ўз Интернет-сайтларини ташкил этиш, маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқаришига ва реклама қилишларига имкон яратиш зарур.

Хотин-қизларни олий таълимга қамровини кенгайтириш, бунда амалдаги таълимнинг педагогика ва гуманитар фанлар йўналишлари билан чекланмай, муҳандис-техник (ахборот технологиялари, энергетика, инженерия) ва ҳуқуқшунослик соҳаларидаги аёллар улушини ошириш, хотин-қизларни олий таълимга кенг жалб қилиш мақсадида давлат томонидан жорий этилган имтиёзлар самарасини баҳолаш, хотин-қизларни чет тиллари, замонавий касб-ҳунар ва бизнесга ўқитиш, “Ишга марҳамат” мономарказлари, шаҳар ва туманлардаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази, МФЙларда ташкил этилган ўқув масканлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш зарур.

Гендер масаласида кўп замонлардан буён сақланиб қолган салбий қарашларни йўқ қилишга эришиш учун эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий хатти-ҳаракатларини ўзгартириш ва жинслардан бирининг пастлиги ёки устунлиги ғоясига ёки эркак ва аёл ролларини стереотиплашга асосланган одатлар ва бошқа барча амалиётларни бекор қилиш зарур. Бунда аҳоли орасида кенг янгича ёндашувлар асосидаги тушунтириш ишларини такшил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ҳудудлардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ўзаро боғлиқ бошқарув функцияларини, жумладан, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, мотивация ва назорат кабиларни амалга ошириш орқали самарали ташкил қилиниши мумкин. Бу барча қуйи тизимлар ишининг ўзаро боғлиқлиги ва мувофиқлаштирилишини кучайтириш, ҳал қилиниши зарур бўлган вазифаларнинг мазмуни ва доирасини

кенгайтириш орқали мавжуд амалиётни ўзгартиришни тақазо этади. Ҳар бир тизим томонидан ҳал қилинадиган вазифаларни аниқлаш ва тартибга солиш, бандлик ва меҳнат бозори соҳасидаги ҳаракатларни мантиқий кетма-кетликка келтириш, бошқарув объекти ва ташқи омиллар билан зарур ахборот оқимларини таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал қилишда тизимли ва комплекс ёндашиш талаб қилинади

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. https://president.uz/uz/lists/view/5036

2. https://www.un.org/ru/global-issues/gender-equality

3. Ирматова А. Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этиш. Тошкент: Фан. 2022, - 186 б.турмуш. – Тошкент: 1996. – № 1. – Б. 14;

4. Алимова Д. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва вазифалари //Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 16-20;

5. Рашидова С. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш муаммолари //Ўзбекистонда “Гендер ва ривожланиш” хабарномаси, 1999.– № 2. – Б. 17-23.

6. https://thediplomat.com/2022/08/closing-the-gender-gap-in-uzbekistans-universities/.